

Бугун ўзига хос астрономик жараён- тўлиқ ой тутилиши кузатилади



17:20 / 08.11.2022 2767

Бугун 8-ноябрь куни Ер юзи аҳолиси қизиқарли астрономик ҳодисалардан бири – тўлиқ Ой тутилишини кузатишлари мумкин. Бу ҳақда academy.uz хабар берди. Ушбу тутилишнинг тўлиқ фазасида й юзаси 100 фоиз Ер соясида бўлади. Ой тутилишининг умумий давомийлиги 4 соатдан ортиқроқ бўлиб, тутилишнинг тўлиқ фазаси 1 соат 25 дақиқа давом этади.

Ушбу Ой тутилиши Ўзбекистонда қисман кузатилади – ўрта ҳисобда 1 соатдан кўпроқ тутилиш кузатилиши мумкин. Ой тутилиши Ой чиқишидан аввал бошланади, шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудида тутилишнинг максимал фазаси Ой уфқдан кўтарилганидан кейин бир неча дақиқа ўтиб кузатилади. Ой тутилиши Тошкент вақти билан соат 13.00 да бошланади ва 21:00 да тугайди. Максимал тутилиш босқичи эса соат 18:00

га тўғри келиши кутилмоқда.

«Кечаю кундуз, қуёшу ой Унинг оят(белги)ларидандир». (Фуссилат, 37-оят).

Муғйра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Иброҳим вафот этган куни қуёш тутилди. Одамлар: «Иброҳимнинг вафоти туфайли тутилди», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуёш ва ой Аллоҳнинг оятларидан икки оятдир. Улар бирор кишининг ўлими туфайли ҳам, ҳаёти туфайли ҳам тутилмайди. Қачон уларни (бу ҳолда) кўрсангиз, то очилиб кетгунча намоз ўқинг ва Аллоҳга дуо қилинг», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Кифоя» китобидан).